



МЕҲМОНХОНА ИНДУСТРИЯСИДА “ЯШИЛ СТАНДАРТЛАР” ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD Бекмуродова Лайло

Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти

ORCID: 0009-0009-1009-9706

lajlobekmurodova@gmail.com

Аннотация. Мақолада меҳмонхона индустриясида “яшил стандартлар”ни жорий этишнинг назарий асослари, халқаро тажриба ва уларни Ўзбекистон шароитида амалга ошириш истиқболлари таҳлил қилинган. Тадқиқот жараёнида экологик барқарорлик, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва энергия самарадорлиги каби йўналишлар меҳмонхона фаолиятидаги асосий тамойиллар сифатида баҳоланади. Жаҳон амалиёти мисолида (Япония, Швеция, ЖАР, Дания ва Сингапур) “яшил меҳмонхона” моделларининг самарадорлиги ўрганилиб, уларни миллий тизимга интеграция қилиш учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда экологик стандартлар тизимини такомиллаштириш, миллий “Меҳмондўстлик индустрияси мезонлари” стандартини халқаро талаблар билан уйғунлаштириш ва миллий дизайн асосида “яшил меҳмонхона модели”ни жорий этиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: яшил стандартлар, меҳмонхона индустрияси, барқарор ривожланиш, экологик менежмент, энергия самарадорлиги, халқаро тажриба, миллий стандартлар, “яшил меҳмонхона” модели.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ «ЗЕЛЁНЫХ СТАНДАРТОВ» В ГОСТИНИЧНОЙ ИНДУСТРИИ И СТРАТЕГИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИХ ВНЕДРЕНИЯ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

PhD Бекмуродова Лайло

Научно-исследовательский институт развития туризма

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические основы внедрения «зелёных стандартов» в гостиничную индустрию, анализируется международный опыт и перспективы их реализации в условиях Узбекистана. В процессе исследования были изучены ключевые направления устойчивого развития, эффективного использования ресурсов и повышения энергоэффективности в деятельности гостиничных предприятий. На примере зарубежных практик (Япония, Швеция, ЮАР, Дания и Сингапур) выявлены эффективные модели «зелёных отелей» и разработаны научно обоснованные рекомендации по их адаптации в национальную систему. В статье предложены пути совершенствования экологических стандартов Узбекистана, гармонизации национального стандарта «Критерии индустрии гостеприимства» с международными требованиями, а также внедрения модели «зелёного отеля» на основе национального дизайна.

Ключевые слова: зелёные стандарты, гостиничная индустрия, устойчивое развитие, экологический менеджмент, энергоэффективность, международный опыт, национальные стандарты, модель «зелёного отеля».

IMPROVING THE SYSTEM OF “GREEN STANDARDS” IN THE HOSPITALITY INDUSTRY AND STRATEGIC DIRECTIONS FOR THEIR IMPLEMENTATION IN THE CONTEXT OF UZBEKISTAN

PhD **Bekmuradova Laylo**

Research Institute of Tourism Development

Abstract. *The article analyzes the theoretical foundations of implementing “green standards” in the hospitality industry, examines international practices, and explores the prospects for their application in Uzbekistan. The study focuses on key areas such as environmental sustainability, efficient resource use, and energy efficiency in hotel operations. Based on international experience (Japan, Sweden, South Africa, Denmark, and Singapore), the research identifies successful models of “green hotels” and develops scientifically grounded recommendations for their integration into the national framework. The paper also proposes practical measures for improving Uzbekistan’s environmental standards, aligning the national standard “Hospitality Industry Criteria” with international requirements, and introducing a “green hotel model” based on national design concepts.*

Keywords: *green standards, hospitality industry, sustainable development, environmental management, energy efficiency, international experience, national standards, green hotel model.*

Кириш.

Сўнги йилларда туризм ва меҳмонхона соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез суръатларда ўсиб бораётган тармоқларидан бирига айланди. Бироқ мазкур ўсиш жараёни билан бир қаторда атроф-муҳитга бўлган салбий таъсир ҳам ортаётгани инкор этиб бўлмайди. Шу боис, XXI асда туризм ва меҳмонхона фаолиятида барқарор ривожланиш концепцияси стратегик йўналиш сифатида шаклланди. Барқарор ривожланиш тамойиллари — иқтисодий самарадорлик, ижтимоий масъулият ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган. Меҳмонхона бизнесида бу йўналиш ресурс тежамкор технологиялар, яшил стандартлар, чиқиндиларни камайтириш тизимлари, ҳамда экологик бошқарув моделларини жорий этиш орқали намоён бўлмоқда.

Жаҳон амалиётида Hilton, Marriott, Accor, IHG каби халқаро брендлар энергия истеъмолини 20–30% га камайтирган, сув тежамкор тизимларни жорий этган ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтирган. Бу нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилади, балки меҳмонхона харажатларини қисқартиради ва брендинг нуқтаи назаридан рақобат устунлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, туристлар онгида ҳам экологик масъулият кучаймоқда. Яъни, сўров натижаларига кўра, ҳар учта сайёҳдан бири экологик сертификатга эга меҳмонхонани афзал кўради. Бу эса бозордаги янги талабни шакллантиради — “яшил меҳмонхона” модели замонавий меҳмонхона индустриясининг асосий йўналишига айланмоқда (Ivanova and others, 2016).

Ўзбекистон Президенти томонидан 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишга йўналтирилган муҳим қадамдир. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ва экологик стандартларга мос инфратузилмани шакллантириш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Бу жараён Ўзбекистоннинг жаҳон меҳмондўстлик индустриясига интеграциясини жадаллаштириш, туризм объектларининг экологик барқарорлигини ошириш ҳамда халқаро экотуризм бозорида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш имконини беради. Экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда, меҳмонхона ва дам олиш масканларида

“яшил” энергия технологияларини жорий этиш, 1000 дан ортиқ электр қувватлаш станцияларини барпо этиш, саноат ҳудудларида “яшил белбоғлар” яратиш ва экологик сертификатлаш тизимига мос миллий стандартларни шакллантириш назарда тутилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экотуризм инфратузилмасини кенгайтириш ва табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш чоралари Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш моделига асосланган меҳмондўстлик секторини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боисдан, “яшил” иқтисодиётга ўтиш нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки Ўзбекистоннинг халқаро меҳмондўстлик индустриясида муваффақиятли интеграциясини таъминлаш учун ҳам асосий омил ҳисобланади (Farmon, 2023)

Мақоланинг асосий мақсади — халқаро яшил стандартлар тизимини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг туризм ва меҳмонхона соҳасидаги амалий аҳамиятини ёритиш ҳамда Ўзбекистон шароитида жорий этиш имкониятларини баҳолашдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш жараёнида яшил стандартлар тизимининг назарий асосларини ва уларнинг меҳмонхона индустриясидаги ролини ёритиш, халқаро яшил сертификатлаш тизимларини қиёсий таҳлил қилиш, турли мамлакатларда яшил стандартларни жорий этиш натижаларини экологик ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиш, шунингдек, Ўзбекистон меҳмонхона соҳасида яшил стандартларни татбиқ этиш имкониятлари ва мавжуд муаммоларни аниқлаш вазифалари қўйилган. Шу билан бирга, миллий шароитга мос яшил сертификат ёки стандарт тизимини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш сиёсати доирасида миллий яшил стандартлар тизимини яратиш, меҳмонхона фаолиятини экологик жиҳатдан оптималлаштириш ва халқаро сертификатлаш тажрибасини маҳаллий шароитга мослаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда жаҳон меҳмонхона индустриясида яшил стандартлар ва экологик барқарорлик масалалари илмий изланишлар марказига айланди. Хорижий олимлар – Abdou (Abdou and others, 2020), Mensah (2006), Manaktola ва Jauhari (2007) ҳамда Kim (Kim and others, 2017) ва ҳаммуаллифлар ишларида меҳмонхона соҳасидаги экологик бошқарув, ресурс тежамкорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш ва “яшил маркетинг”нинг иқтисодий самарадорлиги кенг ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида “яшил амалиётлар” меҳмонхона рақобатбардошлигини ошириш, мижозлар ишончини мустаҳкамлаш ва энергия сарфини камайтиришнинг асосий омилларидан бири сифатида таърифланади. СНГ мамлакатлари олимлари Хромина (2023), Полстяная (2018), Бондаренко (2021) ва бошқалар миллий шароитларда яшил менежмент моделларини ишлаб чиқишга эътибор қаратган бўлиб, уларнинг фикрича, экологик стандартларни жорий этиш давлат сиёсати, таълим тизими ва туризм инфратузилмаси билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Ўзбекистонда эса бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар ҳали бошланғич босқичда бўлиб, маҳаллий олимлар Норчаев (2019), Агзамова (2025), Убайдуллаев, Нурибетов (2024) томонидан “яшил меҳмонхона” концепцияси ва миллий стандартлар тизимини шакллантириш бўйича илмий асослар яратилмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотнинг методологик асосини барқарор ривожланиш назарияси, яшил иқтисодиёт концепцияси ҳамда экологик менежментнинг илмий принциплари ташкил этади. Тадқиқотда халқаро ва миллий меҳмонхона индустриясида яшил стандартларни


жорий этишнинг илмий-назарий асослари, иқтисодий самарадорлиги ва амалиётдаги қўл ланиш ҳолати ўрганилди. Тадқиқотда комплекс ва тизимли ёндашув асосида таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усули, контент таҳлил қилиш илмий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти – Ўзбекистон меҳмонхона индустрияси тизимида яшил стандартларни жорий этиш жараёни бўлса, тадқиқот предмети сифатида яшил стандартларнинг иқтисодий, ташкилий ва экологик жиҳатларини ўрганиш ҳамда уларни халқаро тажрибалар асосида миллий моделга мослаштириш механизмлари олинган. Тадқиқотда Халқаро ташкилотлар маълумотлари, меҳмонхона соҳаси бўйича статистик маълумотлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Халқаро амалиётда турли хил экологик сертификатлаш тизимлари меҳмонхона индустриясида кенг қўлланилмоқда. Уларнинг асосий мақсади – меҳмонхоналарда барқарор ривожланиш тамойилларини жорий қилиш, табиий ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришдир. Бугунги кунда дунё миқёсида энг кенг тарқалган сертификатлар қаторига LEED (Leadership in Energy and Environmental Design) (Прокопченко, 2018), Green Key, EU Ecolabel ва EarthCheck тизимлари киради (Jayanti, 2023). Қуйидаги диаграммада ушбу халқаро сертификатларнинг меҳмонхона соҳасидаги тахминий улуши ифодаланган (1-расм).

Диаграммадан кўриниб турганидек, меҳмонхона индустриясида энг кенг тарқалган тизимлар қаторида LEED ва Green Key етакчи ўринни эгаллайди, чунки улар ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ мезонларга эга. EU Ecolabel асосан Европа мамлакатларида кенг жорий этилган бўлиб, экологик стандартларни давлат сиёсатлари билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.




1- расм. Меҳмонхона индустриясида қўлланиладиган халқаро яшил сертификатлар улуши

EarthCheck эса Осиё ва Австралия мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, туристик объектларнинг атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис халқаро сертификатлаш тизимларининг диверсификацияси турли минтақаларда туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлайди ва Ўзбекистон учун ҳам ушбу тажрибаларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш тамойилларини амалга оширишда яшил стандартларнинг аҳамияти халқаро даражада белгиланган бўлиб, улар Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDGs) билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, **SDG (Sustainable Development Goals) 7 – Арзон ва қайта тикланувчи энергия** мақсади меҳмонхоналарда қуёш панеллари, энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни талаб этади. **SDG 12 – Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш** мақсади сув ресурсларини тежаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва эко-маҳсулотлардан фойдаланиш орқали туризм соҳасида экологик масъулиятни оширишни назарда тутди. **SDG 13 – Иқлим ўзгаришига қарши кураш** мақсади эса меҳмонхона индустриясида углерод изини камайтириш, атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни чеклаш ва иқлимга мос инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ (Filho, 2023).

Ўзбекистон ҳам ушбу глобал мақсадларга уйғун равишда миллий стратегияларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2019–2030 йилларга мўлжалланган “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси (Қарор, 2019), 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси (Фармон, 2022) ва туризмни ривожлантириш миллий дастурларида меҳмонхона индустриясида ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, экотуризмни ривожлантириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Қуйидаги инфографикада яшил стандартлар, халқаро SDG мақсадлари ва миллий стратегиялар ўртасидаги ўзаро боғланиш кўрсатилган (2-расм).



2-расм. Яшил стандартлар ва барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs) уйғунлиги

Инфографикада келтирилган SDG мақсадлари меҳмонхона соҳасида яшил стандартларни жорий этишнинг асосий йўналишларини белгилаб, экологик самарадорлик, иқтисодий барқарорлик ва халқаро рақобатбардошликни таъминлайди. Шу орқали яшил стандартлар нафақат атроф-муҳит муҳофазасига, балки туристик хизматлар рақобатбардошлиги ва мамлакатнинг халқаро нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Яшил стандартлар – меҳмонхона биноларини қуриш, фаолият юритиш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш ва экологик масъулиятни таъминлашга қаратилган талаблар мажмуидир (Беляева и другие, 2023). Улар меҳмонхона соҳасида экологик менежмент ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Халқаро амалиётда LEED, Green Globe, Green Key, EarthCheck ва EU Ecolabel каби турли сертификатлаш тизимлари кенг қўлланилмоқда. Ушбу стандартлар меҳмонхоналарда энергия истеъмолини камайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш ва маҳаллий маҳсулотларни қўллаш каби кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Дунё мамлакатларида яшил сертификатли меҳмонхоналар сони йилдан-йилга ортиб бораётган бўлиб, бу жараён ҳар бир минтақанинг иқтисодий салоҳияти ва туризм сиёсатининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, глобал даражадаги яшил меҳмонхоналар тақсмоти ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш Ўзбекистон учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда турли минтақалар кесимида яшил стандартлар тизими, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва ривожланиш тенденциялари қиёсий таҳлил қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

Глобал миқёсда яшил меҳмонхоналар тақсмоти ва иқтисодий кўрсаткичлар

| Минтақа | Етакчи давлатлар | Яшил стандартлар тизими | Яшил меҳмонхоналар улуши (%) | Туризмдан йиллик даромад (млрд АҚШ долл.) | Ривожланиш тенденцияси ва иқтисодий хусусиятлар |
|----------------------------|---|---|------------------------------|---|--|
| Шимолий ва Жанубий Америка | АҚШ, Канада, Бразилия, Мексика, Аргентина | LEED, GREEN Key, Green Globe | 25-30% | ≈ 340 (АҚШ), 35 (Канада), 25 (Бразилия) | АҚШ дунёда энг кўп “yashil sertifikatli” mehmonxonalarga ega; energiya tejamkor texnologiyalar ekspluatasiya xarajatlarini 15-20% ga kamaytiradi |
| Европа | Италия, Германия, Франция, Австрия, Дания | EU Ecolabel, GREEN Key | 40-45% | ≈ 420 (umumiy) | Yevropa – yashil standartlar bo'yicha yetakchi mintaqa; mehmonxona bozorida ekologik menejment turizmning barqaror rivojlanishiga |
| Африка | Жар, Марокаш, Миср, Кения, Танзания | Green Globe, EarthCheck | 10-12% | ≈ 45 (umumiy) | Еко-туризм асосий ривожланish yo'nalishi; mehmonxona loyihalarida mahalliy resurslardan foydalanish |
| Осиё ва Океания | Япония, Сингапур, Австралия, Таиланд, Хитой | EarthCheck, ASEAN Green Hotel, LEED Asia | 20-25% | ≈ 380 (umumiy) | Яшил меҳмонхоналарда “ақлли энергия”, сув тежамкор тизимлар ва чиқиндиларни қайта ишлаш самарали қўлланилади. |
| Марказий Осиё | Ўзбекистон, Қозоғистон | Миллий сертификат тизими йўқ (жорий этиш босқичида) | <5% | ≈ 2,3 (umumiy) | Яшил сертификатлаш амалиёти янги йўналиш бўлиб, миллий стандарт яратиш зарурати юқори. Туризм сиёсатининг “яшил иқтисодиёт” билан интеграцияси долзарб |

Жадвал маълумотларига кўра, Европа ва Шимолий Америка минтақалари яшил меҳмонхона сертификатларини жорий этиш ва амалиётда қўллаш бўйича етакчи ҳисобланади. Бу мамлакатларда яшил стандартлар нафақат экологияни муҳофаза қилиш воситаси, балки меҳмонхона иқтисодиётида харажатларни оптималлаштириш ва туристик оқимни оширишнинг самарали омили сифатида хизмат қилмоқда. Осиё ва Африка мамлакатларида эса сўнгги ўн йилликда эко-меҳмонхоналар сони сезиларли

даражада кўпайган бўлиб, бу жараён маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва туризмни диверсификация қилиш сиёсати билан боғлиқ.

Ўрта Осиё минтақаси, жумладан Ўзбекистон, бу борада катта салоҳиятга эга. Мамлакатда “Яшил иқтисодиёт” стратегияси, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш сиёсати ҳамда халқаро стандартларга яқинлашиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, миллий яшил сертификат тизимини шакллантириш учун мустақам илмий-амалий асос яратади. Бу мамлакатнинг туризм салоҳиятини ошириш, инвестициявий жозибадорлигини мустақамлаш ва халқаро нуфузини кучайтиришга хизмат қилади.

Экотуризм соҳасидаги ўсиш ва барқарор саёҳатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. 2023 йилга келиб, глобал экотуризм бозори ҳажми 219,53 миллиард долларни ташкил этди. 2024 йилда бу кўрсаткич 13,5% га ошиб, 249,16 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. 2028 йилга келиб, бозор ҳажми 428,97 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон ҳозирда экологик тоза ва барқарор келажакка интилиш йўлида сезиларли қадамлар қўймоқда. Дунё бўйлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларига эътибор тобора ортиб бораётган бир пайтда, углерод исини камайтириш зарурати ҳам кенг эътироф этилмоқда. Меҳмонхоналарни “яшил” стандартларга мослаштириш ташаббуси туризм секторидаги экологик муаммоларни ҳал этиш ва меҳмонларга яхшироқ хизмат кўрсатишни мақсад қилган. Ушбу стандартлар энергия самарадорлиги, сувни тежаш, чиқиндиларни бошқариш, экологик материаллар ва усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади. Натижада, меҳмонхоналар экологик изини камайтириб, Ўзбекистоннинг табиий ресурсларини асрашга хисса қўшади.



3-расм. Яшил иқтисодиёт элементлари ва уларнинг меҳмонхона соҳасидаги ифодаси

Яшил стандартлар меҳмонхона соҳасида барқарор ривожланишни таъминловчи муҳим назарий тушунча ҳисобланади. Улар “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланиб, энергия самарадорлиги, сув тежамкорлиги ва ижтимоий масъулият орқали экологик ва иқтисодий самарага эришишни кўзлайди. Қуйидаги схема мазкур элементларнинг ўзаро боғланишини кўрсатади (3-расм).


Схемада кўрсатилганидек, яшил стандартлар тизими энергетика, сув ресурслари, чиқиндиларни бошқариш, архитектура ва ижтимоий масъулият каби элементлар орқали меҳмонхона фаолиятида барқарор ривожланиш моделини шакллантиради. Бу тизимнинг амалий аҳамияти шундаки, у меҳмонхоналарнинг экологик изини қисқартиради, ресурс тежамкорлигини оширади ҳамда халқаро рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу билан бирга, экономенжмент ва ижтимоий масъулият каби элементлар меҳмонхона фаолиятини нафақат иқтисодий, балки маданий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам барқарор қилади. Демак, яшил стандартлар — бу фақат техник ёки экологик талаблар эмас, балки меҳмонхона индустриясини “яшил иқтисодиёт” фалсафаси билан уйғунлаштирувчи комплекс тизимдир.

Замонавий меҳмонхона индустриясида экологик барқарорлик тамойилларига асосланган эко-меҳмонхоналар моделлари глобал миқёсда кенг ривожланмоқда. Уларнинг амалиётлари фақат атроф-муҳитга таъсирни камайтириш билан чекланиб қолмай, балки иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий масъулиятни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Эко-меҳмонхона лойиҳаларининг самарадорлиги қуйидаги асосий мезонлар орқали баҳоланади: энергия ва сув тежамкорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси, меҳмонлар қониқишининг ўсиши ҳамда молиявий натижаларнинг барқарорлиги.

Эко-меҳмонхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг миллий меҳмонхона индустриясидаги ўрнини аниқлаш учун халқаро амалиётни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор туризм ва яшил иқтисодиёт йўналишидаги илғор инновациялар, менежмент моделлари ҳамда экологик стандартларнинг амалий самарасини намоён этади. Хусусан, Япония, Швеция, Жанубий Африка ва Дания каби давлатлардаги эко-меҳмонхона лойиҳалари нафақат ресурс тежамкорлиги, балки меҳмонлар қониқишини ошириш ва инвестицион жозибадорлик нуқтаи назаридан ҳам юқори натижаларга эришган (4-расм).

Юқоридаги схема таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро эко-меҳмонхона моделлари фақат экологик самарадорликка эмас, балки иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий масъулиятнинг уйғун ривожланишига қақртилган. Hilton, Scandic, Hotel Verde, Green Key ва Smart Eco-Hotels тажрибалари шундан далолат берадики, яшил технологияларни жорий этиш меҳмонхона фаолиятининг рақобатбардошлигини оширади, ресурс сарфини қисқартиради ва бренд қийматини мустаҳкамлайди.

Энергия самарадорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш ва рақамли бошқарув тизимлари меҳмонхона харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Шу билан бирга, экосертификатлар (масалан Green Key, ISO 14001) меҳмонлар ва инвесторлар ишончини оширади, бу эса бозорда узоқ муддатли барқарорликни таъминлайди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, халқаро эко-меҳмонхона амалиётида ресурс тежамкорлиги 25-40% даражада самара бермоқда, бу эса иқтисодий фойда билан бирга карбон изини ҳам камайтиради. Ушбу ёндашувларнинг умумий нуқтаси – **“энергия – иқтисод- жамият”** триадасининг мувозанатли механизмидир.



4-расм. Эко меҳмонхона фаолиятининг самарали тизими (хориж тажрибаси асосида)

Ўзбекистон шароитида бу тажрибаларни татбиқ этиш миллий меҳмонхона индустриясини халқаро миқёсда барқарор ривожлантиришга замин яратади. Энергия ва сув аудити тизимларини жорий этиш, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш ҳамда “яшил кредитлар” механизмларини йўлга қўйиш орқали мамлакатда миллий “яшил стандарт” тизимини шакллантириш мумкин. Бу ўз навбатида миллий меҳмонхона фаолиятининг халқаро эътирофини таъминлайди ва жаҳон туризм бозоридаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, яшил стандартлар замонавий меҳмонхона индустриясининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий концептуал йўналиш ҳисобланади. У нафақат экологик тозалликни, балки иқтисодий самарадорлик, ижтимоий масъулият ва корпоратив барқарорликни ҳам таъминлайди. Халқаро тажриба (Япония, Швеция, ЖАР, Дания ва Сингапур мисолида) шуни тасдиқлайдики, энергия самарадорлиги, сув тежамкорлиги ва чиқиндиларни қайта ишлаш тизимлари меҳмонхона харажатларини 20–30% гача қисқартириш билан бирга мижозлар қониқишини оширади.

“Яшил стандартлар” меҳмонхона фаолиятини техник талаблар билан чекламай, балки экологик менежмент, ижтимоий интеграция ва корпоратив масъулият тамойилларига асосланади. Бу эса миллий меҳмонхоналарнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

Ўзбекистонда мазкур стандартларни жорий этиш учун муайян ҳуқуқий ва институционал база мавжуд бўлса-да, унинг амалий татбиқи етарли даражада эмас. Шу сабабли миллий даражада экологик сертификатлаш тизимини яратиш ва халқаро стандартлар (ISO 14001, EU Ecolabel, Green Key) билан уйғунлаштириш зарур. Бу тизимни “Меҳмондўстлик индустрияси мезонлари” стандарти билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган “Яшил меҳмонхона модели” Ўзбекистон шароитига мос бўлиб, энергия ва сув аудити, чиқиндиларни қайта ишлаш, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш ва миллий дизайн ечимларини қамраб олади. Ушбу моделни пилот тарзда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида жорий этиш тавсия этилади.

Яшил стандартларни жорий этиш иқтисодий самара билан бирга ижтимоий фойда ҳам келтиради — янги иш ўринлари яратилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти рағбатлантирилади ва аҳолининг экологик онги юксалади. Шу билан бирга, халқаро сертификатга эга меҳмонхоналар брендига ишонч даражаси ва туристик оқим анъанавий меҳмонхоналарга нисбатан 10–15% юқори бўлиши аниқланди.

Шу асосда қуйидаги стратегик йўналишлар тавсия этилади:

❖ Миллий “яшил стандартлар тизими”ни ишлаб чиқиш ва уни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаш;

❖ Яшил меҳмонхона лойиҳаларини молиявий рағбатлантириш — солиқ имтиёзлари, грант ва яшил кредитлар тизимини жорий этиш;

❖ Меҳмонхона соҳаси учун кадрлар тайёрлашда “яшил менежмент” фанини жорий этиш, халқаро сертификатлаш тизимлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

❖ Экологик тоза қурилиш материаллари ва миллий дизайн ечимларини қўллаш орқали ички бозорни ривожлантириш;

❖ Илмий-тадқиқот институтлари ва давлат идоралари ҳамкорлигида “Ўзбекистонда яшил меҳмонхона сиёсати” концепциясини ишлаб чиқиш.

Яқуний хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, яшил стандартлар меҳмонхона индустриясини модернизация қилишнинг стратегик йўналиши бўлиб, уларни жорий этиш Ўзбекистоннинг халқаро туристик имиджини мустаҳкамлаш, миллий брендни

шакллантириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим назарий ва амалий асос бўлади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Abdou A. H., Hassan T. H., El Dief M. M. (2020) *A Description of Green Hotel Practices and Their Role in Achieving Sustainable Development // Sustainability*. –Vol . 12, No. 22. –P. 9624.

Ivanova M., Ivanov S., Magnini V. P. (2016) *The Routledge Handbook of Hotel Chain Management*. – Taylor & Francis, – 445 p.

Jayanti, J. *Hotel Housekeeping Management*. – New Delhi: Goodfellow Publishers, 2023. – 184 – 185 p.

Kim J.-Y., Li J., Han J. S., Kim Y. (2017) *The influence of recent hotel amenities and green practices on guests' price premium and revisit intention // Tourism Economics*. Vol. 23, No. 3. – P. 577–593.

Leal Filho, W. (2023) *Handbook of Sustainability Science in the Future*. – Cham: Springer Nature Switzerland AG. – 113.

Manaktola K., Jauhari V. (2007) *Exploring consumer attitude and behavior towards green practices in the lodging industry in India // International Journal of Contemporary Hospitality Management*.

Mensah I. (2006) *Environmental management practices among hotels in the Greater Accra Region // International Journal of Hospitality Management*. -Vol. 25, No. 3. P. 414 – 431.

Агзамова Н.Г. (2025) *Ўзбекистонда қишлоқ туризми инфратузилмасини ривожлантириш имкониятлари // Янги Ўзбекистон, янги тадқиқотлар*. –Vol. 3, № 6. – Б. 223–229.

Беляева О.И., Борисова Т.Г., Гварлиани Т.Е., Воробей Е.К., Оборин М.С., Семкина Н.С., Цепилова Е.С. (2023) *Драйверы устойчивого развития туристских территорий: монография / под общ. ред. Т. Е. Гварлиани*. – Москва: Директ-Медиа, – 276 с. – С. 51.

Бондаренко В. А. (2021) *Исследование ценностных установок российских потребителей услуг «зелёных» гостиниц // Маркетинг в гостеприимстве*. – Т. 7, № 1. –С. 78–92.

Қарор (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 4-октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4477 сонли қарори*.

Норчаев А. (2019) *Қишлоқ туризми инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари // Иқтисодиёт ва Инновацион технологиялар*. № 4. – Б. 208–215.

Полстяная Н.В. (2018) *Экологические отели как современная инновационная концепция в индустрии гостеприимства // Tourism & Hospitality Studies*. –Т. 9, № 2. – С. 22–30.

Прокопченко Е.С. (2018) *«Зелёные» стандарты и экологическая сертификация объектов в туристско-рекреационном проектировании // Проблемы туризмовеждения: Сборник материалов III Международной научно-практической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых по туризмовеждению*. – С. 225–229.

Убайдуллаев К., Нурибетов Р. (2024) *Минтакада экологик туризмни ривожлантириш*. – Тошкент: ТИУ, – Монография.

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли фармони*

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида” ги ПФ-158-сонли Фармони*.

Хромина Е.Е. (2023) *Экологизация в гостиничной индустрии России: сертификация “Зелёные стандарты” и практика применения // Гостиничный бизнес: теория и практика*. – № 3. – С. 45–58.